## АХБОРОТЛАШГАН ЖАМИЯТДА АХБОРОТ АЛМАШИНУВИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ



doi 10.47267/2181-8207/2021/1-043





Шахноза Рахимова, Мухаммадал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети катта ўқитувчиси

This article examines the features of information exchange in an informed society and highlights the scientific interpretation, characteristics and positive aspects of an informed society. It also substantiates the fact that social networks and messengers have become the main means of information exchange and appear as new opportunities for information exchange.

Калит сўзлар: ахборот, ахборот алмашинуви, жараён, прогноз, ахборотлашган жамият.

нишининг мухим омили. Шу боис, иктисодий жихатдан ривожланган давлатларда ахборот-коммуникация ва компьютер технологиялари барча сохаларга самарали жорий этилгани муваффакиятлар гарови хисобланади. Бунинг асосини ахборотлашув, коммуникация ва компьютер технологиялари ташкил этади. XXI аср эса ахборотлашган жамият асридир.

хборот жамият ва давлат ривожла-

Ахборотлашган жамият ва унда ахборот алмашинувининг хусусиятлари масаласини мухокама қилиш учун даставвал «ахборотлашган жамият» тушунчасининг келиб чиқиши хақида тўхталиб ўтиш зарур. Америкалик социолог Даниел Белл (1919—2011 й.)нинг ахборот технологиялари ривожланиши тарихига багишланган тадқикотида¹ «Ахборотлашган жамият» тушунчаси чукур таҳлил қилинган. Д.Беллнинг концепциясига кўра, ахборотлашган жамият қуйидагича хусусиятларга эга:

- ахборий-техник бу техникавий заҳиралар бўлиб, уни жамият ишлаб чиҳаради ва фойдаланади;
- ижтимоий-ахборот бу жамият томонидан ахборот технологияларидан фойдаланиш;
- ижтимоий-техник ижтимоий-антропологик хусусиятларни камраб олади. Шуни

алохида қайд этиш жоизки, жамият ахборотлашиши ижтимоий ҳаётга тўгридан-тўгри таъсир кўрсатади. Бунга, аввало, оммавий ахборот воситалари, уяли телефон ва интернет тармоги ривожланиши натижасида шаклланган янги ижтимоий муаммоларни киритиш мум-кин.

Америкалик социолог Д.Беллнинг таъкидлашича, ахборотлашган жамият, аввало, маълумотлилик даражаси ва малакасига кўра, миллат элитасини шакллантирадиган жамият. Тадқиқотчи ахборотни жисмонан истеъмол қилинмайдиган ва эскирмайдиган «жамоавий махсулот» сифатида талқин қилиб, индустриал жамиятда инсон ҳаётий фаолиятидаги мутлақо янги махсулот бўлгани учун унга нисбатан ўша даврда муомалада бўлганидан ўзгача меъёр ва мезонларни қўллаш кераклигига эътибор қаратади<sup>2</sup>.

Ахборотлашган жамиятда янги билимларни ўзлаштириш усули хисоблаш техникасига асосланишини ўрганган Э.Тоффлернинг фикрича, «ахборотлашган жамиятда фан услублари хажм жихатдан жуда катта бўлган маълумотларни йигиш имконини беради»<sup>3</sup>. Бунда олимлар янги фактларни кидириш ўрнига корреляция ва тенденцияларни ўргатишда мумкин бўлган илмий маълумотларни ахборот операциялари орқали олади. Хуллас, ахборотлашган жамиятда ишлаб чиқа-

<sup>&#</sup>x27;Белл Д. Грядущее постиндустриальное общество: опыт социального прогнозирования. Пер.с англ. В. Л. Иноземцева. – М.:Academia, 1999. – 956 с.

<sup>₹</sup> Ўша жойда.

<sup>&</sup>lt;sup>3</sup> Тоффлер, Э. Третья волна = The Third Wave. – М.: ACT, 2010. – С.448.

ришнинг манбаи билимни тўплаш технологиялари, ахборотни қайта ишлаш ва рамзий коммуникацияларга боғлиқ бўлади.

«Ахборотлашган жамият» иборасини илк бор япон олими Ю.Хаяши ва бир неча япон ташкилотларидаги мутахассислар қўллаган.

«Ахборотлашган жамият инсониятнинг энг улкан ютукларидан бири, — деб ёзади япон олими Й. Маъсуда. — Янги технологияларнинг ривожланиши ижтимоий ҳаётнинг ўзига хос ижобий ўзгаришига олиб келади»<sup>4</sup>. Натижада «Ахборотлашган жамиятда инсоний ҳадриятлар ўзгаради. Бу жамият синфсиз ва зиддиятсиз бўлиб, уни кичикроқ давлат аппарати бошҳаради»<sup>5</sup>. Япон социологининг ахборотлашган жамият концепциясига қўшган ҳиссаси аввало ахборотлаштириш билан компьютерлаштиришни ижтимоий тараҳҳиётнинг алоҳида соҳалари сифатида бир-биридан ажратгани бўлди.

Дархакикат, «ахборотлашган жамият» тушунчасини Й.Маъсуда янада кенгайтириб, постиндустриал жамият назарияси хакидаги фалсафий концепциясида ахборот ижтимоий хаётнинг барча сохаларида пешкадамлик килишини ва жамиятнинг технологик тараккиёти даврида хукм сурадиган «ахборот хокимияти» вужудга келишини асослаб беради. Аслида, «ахборот хокимияти» саноатлашган жамиятда давлат бошкарувининг амалдаги учта хокимиятига нисбатан норасмий тарздаги «тўртинчи хокимият» издошидир.

Й.Маъсуда инсоният тамаддуни ривожланишини: анъанавий, индустриал ва ахборотлашган (постиндустриал) жамиятга бўлиб, унда ахборотлашган жамиятни 10 та атрибутга ажратган. Ахборотлашган жамиятда «Трансформациялашган матбуот»нинг шаклланиши ва ривожланиш омиллари<sup>6</sup> социология фанлари доктори О. Абдуазимов томонидан фанга киритилган.

Ахборотлашган жамият ва оммавий коммуникация воситаларининг келиб чикишини тадкик этган ўзбек социологи О.Абдуазимов оммавий коммуникация воситаларининг тараккиёт тарихини уч даврга бўлиб ўрганишни таклиф этади. Учинчи даврда электрон воситали ахборот алмашинуви пайдо бўлиши билан ахборотлашган жамиятга ўтиш содир бўлганини таъкидлайди $^{7}$ .

Ахборот-коммуникация технологиялари сохасининг етакчи мутахассисларидан А.Арипов ахборотлашган жамиятнинг асосий белгилари сифатида куйидагиларни курсатади:

жамият хаётида билим ва ахборот ролининг ортиши, уларнинг кишилар фаолиятидаги турли сохалар ривожланишига таъсири нинг кучайиши;

ахборот йиғиш, қайта ишлаш, сақлаш, узатиш ва унга кириш хуқуқига эга бўлиш имкониятининг сезиларли даражада ортиши;

ахборот индустриясида банд бўлганлар сонининг ортиши хисобига бандликнинг замонавий шаклларига ўтиш ва янги мехнат ресурсларини шакллантириш;

ахборот индустриясида банд бўлганлар сонининг ортиши хисобига бандликнинг замонавий шаклларига ўтиш ва янги мехнат ресурсларини шакллантириш;

кишиларнинг самарали ахборот алмашинуви тазминловчи, ахборот махсулотлари ва хизматлерига булган эхтиёжлерини кондирадиган глобал ахборотлаштан майдонни пратиш.

А. Арипов концепцияси ахборотлашган жамиятнинг Ўзбекистон шароитидаги хусусиятини очиб бериши нуқтаи назаридан қимматлидир.

Хозирги пайтда ахборот алмашинуви жахондаги глобаллашув ахборотлашган цивилизация шаклланишининг таркибий кисми сифатида аввалги замон шароитидан бутунлай фарк килади. Аввал хар бир фукаро асосан ўз давлати ва миллати ахборот тизими таъсирида ривожланган бўлса, энди жахон микёсида бутун инсоният яратган ахборотлар окимининг кучли таъсири остида шаклланмокда.

Ривожланаётган Ўзбекистонда ҳам ахборот оқими ошиб бораётгани ахборот алмашинуви жараёнига ўз таъсирини кўрсатмасдан қолмаяпти. Ахборот алмашинувидаги бу мик-

«Ахборотлашган жамият инсониятнинг энг улкан ютукларидан бири, - деб ёзади, япон олими И. Маъсуда – Янги технологияларнинг ривожланиши ижтимоий хаётнинг ўзига хос ижобий ўзгаришига олиб келади». Натижада «Ахборотлашган жамиятда инсоний қадриятлар ўзгаради

Ахборотлашган жамият ва оммавий коммуникация воситаларининг келиб чикишини тадкик этган ўзбек социологи О. Абдуазимов оммавий коммуникация воситаларининг тараққиёт тарихини уч даврга бўлиб ўрганишни таклиф этган холда, учинчи даврда электрон воситали ахборот алмашинуви пайдо бўлиши билан ахборотлашган жамиятга ўтиш содир бўлганини таъкидлайди

Маъсуда Й. Информационное общество как постиндустриальное общество. – М.: 1991. – С.172.

⁵ Ўша жойда.

⁵Ўша жойда. Б.184-211.

<sup>&</sup>lt;sup>7</sup> Абдуазимов О. Ахборотлашган жамиятда жамоатчилик фикри мониторингини таъминлашда оммавий коммуникациялар социологиясининг ўрни (Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларининг 2001—2016 йиллардаги материаллари мисолида). Монография. — Тошкент: Fan va texnologiya, 2016. — Б. 49—66.

Арипов А.Н. Закономерности и тенденции формирования информационного общества // Материалы научно-методического семинара. – Ташкент, 2013.

Жамиятда ахборот алмашинуви жараёнларига, ахолида ахборот маданиятининг юксалишига жиддий таъсир кўрсатувчи омил бу глобал ва махаллий коммуникация тармокларининг давр талабларига муносиб равишда ривожланишидир

Э. Тоффлернинг фикрича, инсоният ахборотлаштириш оркали «эволюцион тараққиётнинг янги даврига кадам кўймокда. Бу шунчаки ўзгартирилган жамият эмас, балки бутунлай янги жамиятни куришдир». Бундай жамиятни қуриш осон бўлмай, кўплаб назарий ва амалий аспектдаги чукур илмий тадкикотлар олиб борилишини талаб этади

дор ва сифат ўзгаришлари, табиийки, жамият хаётига янгиликлар олиб кирмокда. Бошқача қилиб айтганда, ахборот алмашинувини тартибга солувчи функцияларга амал қилинаётгани туфайли социумда ижобий ўзгаришлар содир бўлмокда.

Агар ахборот алмашинуви ходисасига кенг кўламда қарасак, унинг инсон ва жамият хаётида нечоглик катта ахамиятга эгалигига гувох бўламиз. Социумнинг энг кичик элементи - индивиддан тортиб, инсоният жамиятигача, яъни барчасининг мавжудлик ва ривожланиш шарти ахборот алмашинувидир. Шунга кўра, ахборот алмашинуви жараёнини прогнозлаш ва тартибга солиш зарурати юзага келмокда.

Ахборот алмашинувига тизим сифатида ёндашиш илмий адабиётларда муайян даражада тадқиқ этилган. Бунга, В.Афанасьев<sup>9</sup>, В.Тюхтин10, А.Урсулаваларнинг11 илмий ишларини мисол қилиб келтириш мумкин. Мазкур ишларда муаммолар асосан тизимли (тузилмавий-функционал) тахлил этилган. Тизимли ёндашувнинг бундай усули фалсафа, психология, юриспруденция, матбуот назарияси, иктисодиёт ва педагогика бўйича амалга оширилган илмий ишларга хосдир. Бинобарин, ахборот алмашинув ходисасини тадқиқ этишда социолог олимлар тизимли ёндашув усулига мустахкам таянгани бежиз эмас.

Ахборотлашган жамият тўгрисидаги замонавий назарияларда ахборот ва ахборот алмашинуви жараёни мухимлиги таъкидланиб, ижтимоий ўзаро боғлиқликнинг бир бўлаги сифатида талкин килинади<sup>12</sup>. Ахборот алмашинувининг бошка фундаментал жараёнлар билан алоқалари модели тизим ясовчи элементларни ўзида мужассамлаштира-

Жамиятда ахборот алмашинуви жараёнларига, ахолининг ахборот маданияти юксалишига жиддий таъсир кўрсатувчи омил бу глобал ва махаллий коммуникация тармокларининг давр талабларига муносиб равишда ривожланишидир. Ўзбекистонда рақамли иктисодиётни тараккий эттириш учун юксак ахборот технологиялари иктисодиётнинг хамма сохасига боскичма-боскич жорий этилмокда. Бирок ялпи интернетлашув жамиятда ва шахслараро ахборот алмашинувини янада тезлатиши, хажмини ошириши билан бир қаторда, ахборот хуружларининг кўпайишига хам олиб келиши мумкин. Фукароларни, айникса, ёш авлодни глобал тармоқнинг салбий таъсиридан сақлаш учун ўз вактида давлат томонидан барча хавфсизлик чоралари кўрилиши зарур. Хусусан, ахборот сохасидаги хавфсизликни ишончли таъминлашда Ўзбекистон Республикасининг ахборот хавфсизлиги доктринасини ишлаб чикиш ва хаётга жорий этиш максадга мувофикдир. 13

Э.Тоффлернинг фикрича, инсоният ахборотлаштириш оркали «эволюцион тараккиётнинг янги даврига қадам құймоқда. Бу шунчаки ўзгартирилган жамият эмас, балки бутунлай янги жамиятни қуришдир»<sup>14</sup>. Бундай жамиятни куриш осон бўлмайди, кўплаб назарий ва амалий аспектдаги чукур илмий тадкиқотлар олиб борилиши талаб этилади.

Юқоридаги фикрлардан хулоса қилган холда, ахборотлашган жамиятга ўтишнинг ижобий томонлари сифатида куйидагиларни келтириш мумкин:

ахборот инкирози муаммоси, яъни «ахборот кўчкиси» ва «ахборот очлиги» ўртасидаги қарама-қаршиликнинг хал қилиниши;

бошка манбаларга нисбатан ахборот устуворлигининг таъминланиши;

ривожланишнинг асосий шакли ахборот иктисодиёти тарзида намоён бўлиши;

ахборот технологияларидан фойдаланган холда, билимни автомат лаштириш, саклаш, кайта ишлаш ва фойдаланиш асосини ташкил этиши;

<sup>&</sup>lt;sup>9</sup> Афанасьев В.Г., Человек: общество, управление, информация: опыт системного подхода.—М.: 2013.—208 с.

<sup>™</sup> Тюхтин В.С. Отражение системы, кибернетика: Теория отражения в свете кибернетики и системного подхода. - М.: Наука, 1972. - 256с.

Урсула А.Д. Природа информации: философский очерк. – Челябинск: 2010. – 231с.

<sup>12</sup> Кастельс М. Галактика Интернета: Размышления об Интернете, бизнесе и обществе. – Екатеринбург: У-Фактория, 2004.

<sup>&</sup>lt;sup>13</sup> Муаллиф фикри ва таклифи.

<sup>&</sup>lt;sup>14</sup> Тоффлер Э. Шок будущего. – М.: АСТ, 2001. – С. 669.

ахборот технологияларининг инсоният ижтимоий фаолиятининг барча сохаларини камраб олувчи глобал хусусиятга эга бўлиши;

бутун инсоният цивилизациясининг ўзаро ахборот алмашиниш орқали ривожланиши;

хар бир инсон учун ахборот ресурсларидан эркин фойдаланиш имкониятининг яратилиши;

> жамиятни бошқаришда инсонпарвар тамойилларининг тизимли амалга оширилиши

Сўнгти йилларда электрон алоқа учун янги технологик манбалар пайдо бўлиб бормоқда. Ушбу манбалар ахборот асрининг ўзига хос хусусиятига айланиб, ўзаро хамкорлик қилиш учун янги имкониятларни яратиб бермоқди. Хозирда маълумотни қизиққан аудиторияга етказиш функцияси нафақат анъанавий оммавий ахборот воситалари, балки замонавий медиа маконлари (ижтимоий тармоқлар, блоглар, форумлар, фото-, видеохостинг) томонидан ҳам амалга оширилади. Бу ахборот алмашинувининг янги хусусияти сифатида намоён бўлмоқда.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, бугунги кунда ижтимоий тармоклар ва мессенжерлар ахборот алмашинувининг асосий воситасига айланиб, жамоатчилик фикрини шакллантиришда кенг кўлланиши мумкин. Инсонлардаги ахборотга бўлган эхтиёжни қондиришда анъанавий ахборот воситаларининг имкониятлари тобора кискариб бормокда. Шу билан бирга, ахборотни чеклаш, ёпиб кўйиш ёки ахборот олишни таъкиклаш билан муаммо ҳал бўлмайди. Тизимни бошкариш, тартибга солиш, ундан фойдаланиш меъёрларини такомиллаштириш бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан биридир. Интернет блоггерлик фаолияти жахон тажрибасида хам тартибга солинмаган йўналиш бўлиб, унинг имкониятларини самарали йўналтириш орқалигина жамоатчилик фикрини салбий рухда шаклланиши олдини олиш мумкин бўлади.

## Фойдаланган адабиётлар:

- 1. Белл Д. Грядущее постиндустриальное общество: опыт социального прогнозирования. Пер.с англ. В. Л. Иноземцева. – M.:Academia,1999. – 956с.
- 2. Тоффлер, Э. Третья волна = The Third Wave. - M.: ACT, 2010. - C.448.
- 3. Маъсуда Й. Информационное общество как постиндустриальное общество. М.: 1991. С.172.
- 4. Абдуазимов О. Ахборотлашган жамиятда жамоатчилик фикри мониторингини таъминлашда оммавий коммуникациялар социологиясининг ўрни (Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларининг 2001–2016 йиллардаги материаллари мисолида). Монография. -Тошкент: Fan va texnologiya, 2016. - Б. 49-66.
- 5. Арипов А.Н. Закономерности и тенденции формирования информационного общества // Материалы научно-методического семинара. – Тошкент, 2013.
- 6. Афанасьев В.Г. Человек, общество, управление, информация: опыт системного подхода. – М.: 2013. – 208 с.
- 7. Тюхтин В.С. Отражение системы, кибернетика: Теория отражения в свете кибернетики и системного подхода. М.: Наука, 1972. 256с.
- 8. Урсула А.Д. Природа информации: Философский очерк. – Челябинск: 2010. – 231с.
- 9. Кастельс М. Галактика Интернет: Размышления об Интернете, бизнесе и обществе. – Екатеринбург: У-Фактория,
  - 10. Муаллиф фикри ва таклифи.
- 11. Тоффлер Э. Шок будущего. -М.:АСТ, 2001. С.669.

Бугунги кунда ижтимоий тармоклар ва мессенжерлар ахборот алмашинувининг асосий воситасига айланиб, жамоатчилик фикрини шакллантиришда кенг қўлланиши мумкин

Инсонлардаги ахборотга бўлган эхтиёжни қондириш учун анъанавий ОАВнинг имкониятлари тобора кискариб бормокда. Шу билан бирга, ахборотни чеклаш, ёпиб қўйиш ёки ахборот олишни такиклаш билан муаммо хал бўлмаган холда ахборот тизимини бошкариш, тартибга солиш, ундан фойдаланиш меъёрларини ишлаб чикиш бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан бири бўлиб қолмоқда

Шахноза Рахимова – старший преподаватель Ташкентского университета информационных технологии имени Мухаммада аль-Хоразми.

В данной статье рассматриваются особенности обмена информацией в информированном обществе, рассказывается о научной интерпретации, характеристиках и положительных аспектах информированного общества. А также, обоснован факт, что социальные сети и мессенджеры стали основными средствами обмена информацией и появляются новые возможности в данном направлении.